

Беш марварид



07:40 / 30.03.2019 5005

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Беш нарсани эслаб қолинг: Уларни бажаришда қаттиқ турсангиз, улар орқали эришган ютуққа бошқа ҳеч нарса билан эриша олмайсиз. **Огоҳ бўлингки**, бирортангиз Роббидан бошқадан умид қилмасин; фақатгина гуноҳидан кўрқсин; билмаганини ўрганишдан уялмасин; олим кишидан у билмайдиган нарса ҳақида сўрашса «Билмайман», деб айтсин; огоҳ бўлингки, бешинчиси сабрдир. Жасад учун бош қанчалик лозим бўлса, иймонли одам учун сабр шунчалик муҳимдир. *Кимда сабр бўлмаса, унда иймон йўқдир.* Кимда бош бўлмаса, унда жасад ҳам йўқдир. Тадаббурсиз ўқилган қироатда, тафаккурсиз қилинган ибодатда ва илмсиз ҳалимликда хайр йўқдир. **Огоҳ бўлинг**, сизларга олимларнинг олими кимлигини айтиб бераман. У Аллоҳга маъсиятни Аллоҳнинг бандаларига чиройли кўрсатмаган, уларни Аллоҳнинг макридан омонда қўймаган ва Унинг роҳатларидан уларни ноумид қилмаган одамдир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан